

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 1899-8
2019 yil 23 oy uydari



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУГИ

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати
тўғрисидаги низомга ўзгартаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ти Қонуни
ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 августдаги 650-сон
“Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон
Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги хузуридаги Капитал бозорини
ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ти
карорига мувофиқ буораман:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар
бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг
2008 йил 29 ноябрдаги 2008-41-сон буйруғи (рўйхат раками 1899, 2009 йил 6 февраль)
(Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 6-сон, 66-модда) билан
тасдикланган Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати
тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартаришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

А. Назиров

Тошкент ш.,
2019 йил “14 ” “ОКТАФР”
2019-56 -сон



Ўзбекистон Республикаси
Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги
директорининг 2019 йил 14 октябрдаги
2019-56-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Муқаддимадан “(Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда)” ва “(Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2008 йил, 31-32-сон, 298-модда)” деган сўзлар чикариб ташлансин.

2. 13-банднинг тўртинчи хатбошидаги “ва терроризмни молиялаштиришга” деган сўзлар “, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Кўйидаги мазмундаги 13¹-банд билан тўлдирилсин:

“13¹. I ёки II тоифали малака гувоҳномасига эга профессионал иштирокчи, фонд биржаси, бошқа биржа фонд бўлимининг назоратчиси қўйидагилардан бирига эга бўлиши лозим:

молиявий-иктисодий, юридик, математик ёки ахборот технологиялари мутахассисликларидан бири бўйича олий маълумотта;

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар, фонд биржалари, бошқа биржалар фонд бўлимларида ёки фаолиятнинг иктисодий, молиявий, юридик соҳаларида, ахборот технологиялари соҳасида ёхуд кўрсатиб ўтилган йўналишлар бўйича давлат бошқарув органларидаги ишда охирги ўн йилда камида беш йиллик иш стажига.”.

4. 19-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. Назоратчи томонидан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги конун хужжатлари бузилганлиги аниқланган ҳолда, назоратчи иш кунидан кечиктирасдан аниқланган конунбузилиши тўғрисида профессионал иштирокчисининг раҳбарига ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига ёзма равища ахборот беради.”.

